БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

7-ИИЛ ЧИҚИШИ
№ 43 (1563)
1 МАРТ
СЕШАНБА
1960 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

СОВЕТ-ИНДОНЕЗИЯ ҚЎШМА БАЁНОТИ

БОГОР, 28 февраль. (ТАСС). Бугун Богорда СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев ва Индонезия Республикасининг Президенти Сукарно Совет-Индонезия қўшма баёнотини имзоладилар. Баёнотда айтиладики, Индонезия Республикаси Президенти Сукарнонинг таклифига мувофиқ, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев 1960 йил 18 февралдан 1 мартгача Индонезияда бўлди.

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев ва унинг ҳамроҳлари Индонезияда бўлган вақтларида, — дейилади баёнотда, Жакарта, Богор, Бандунг, Жоқьякарта, Сурабая шаҳарларига ва Бали оролига бордилар. Н .С. Хрушчевнинг баъзи ҳамроҳлари — Н. А. Михайлов, С. А. Скачков Соло ва Амбон шаҳарларида ҳам бўлдилар.

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев ва унинг ҳамроҳлари ҳамма жойда меҳмондўстлик билан кутиб олинди ва Индонезия халқи уларга дўстлик туйғуларини изҳор қилди.

Бу визит, дейилади баёнотда, СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевнинг ҳар иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларга таллуқли турли масалалар юзасидан, шунингдек умуман халқаро масалалар юзасидан Индонезия Республикасининг Президенти Сукарно билан фикр олишуви учун қулай имконият туғдирди. Бу учрашувлар самимият, дўстлик ва ҳамжиҳатлик вазиятида ўтди.

Совет Иттифоқи билан Индонезия Республикаси ўртасида, ҳусусан кейинги йилларда муваффақиятли суратда ривожланиб бораётган муносабатларга келганда шу нарса таъкидландики, ҳар иккала ҳукумат ана шу дўстона муносабатларда, Индонезия Республикасининг Президенти Совет Иттифоқига биринчи марта расмий суратда келган вақтда 1956 йил сентябрдаги Совет- Индонезия қўшма баёнотида эълон қилинганидек, бир-бирларининг ички ишларига аралашмасдан тинч — тотув яшаш принципларига қатъий амал қилиб келмоқдалар.

Баёнотда яна бундай дейилади: ҳар иккала ҳукумат мустамлакачиликнинг ҳар қандай кўринишлари тугатилиши лозим ва мустамлакачилик ҳар қандай кўринишларининг тугатилиши бутун дунёда тинчлик манфаатларига жавоб беради, деб яна бир марта таъкидладилар. Шу муносабат билан Совет Иттифоқи ҳукумати Индонезия Республикасининг Ғарбий Ирианга нисбатан ҳуқуқи ва талабларини тамомила қўллаб-қувватлади.

Совет Иттифоқи ҳукумати ва Индонезия Республикаси ҳукумати чуқур умид билдирадиларки, ҳозирги вақтда ядро синовларини тўхтатиш тўғрисида Женевада Совет Иттифоқи, Америка Қўшма Штатлари ва Англия вакиллари ўртасида олиб борилаётган кенгаш тез орада мақбул битим тузилишига олиб келиши мумкин. Бундай битимнинг тузилиши халқаро кескинликни янада камайтиришга ёрдам берган бўлур эди.

Баёнотда айтиладики, фикр олишув давомида Парижда юксак доирада ўтказиладиган кенгаш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди, Индонезия ҳукумати мазкур кенгаш қуролсизланиш соҳасида реал қадамлар қўя бошлаши мумкин деб умид билдирди. Шу муносабат билан Индонезия ҳукумати Совет Иттифоқининг ёпасига ва батамом қуролсизланиш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлаганлигини изҳор қилади ва бу таклифнинг амалга оширилишига умид билдиради.

Баёнотда кўрсатиб ўтилишича, СССР Министрлар Советининг Раиси ва Индонезия Республикасининг Президенти давлатлар ўртасидаги ҳар қандай ихтилофлар тинч воситалар ёрдами билан ҳал этилиши лозим, деб таъкидладилар.

Баёнотда СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевнинг АҚШга қилган визити халқаро кескинликни юмшатиш ва давлатлар ўртасидаги муносабатларни яхшилаш учун жуда катта аҳамиятга эга эканлиги уқтириб ўтилади.

Ҳар иккала ҳукумат тинчликни таъминлаш манфаатлари техника жиҳатидан кам тараққий этган мамлакатларни муносиб турмуш даражасига эришишни таъминлайдиган қилиб ривожлантиришни ва шундай қилиб саноати ғоят юксалган мамлакатлар билан саноати ривожланмаган мамлакатлар ўртасида турмуш даражасида бўлган тафовутни пировардида тугатишни талаб қилади, деб ишонч билдирдилар.

Баёнотда қайд қилиб ўтиладики, умумий тинчликни сақлашга доир муҳим проблемалар, ҳар иккала ҳукуматнинг фикрича, тўрт буюк давлатнинг манфаатларигагина эмас, балки бошқа ҳамма халқларнинг ҳам манфаатларига таллуқлидир. Шу сабабли, улар тинчлик тақдири ва бутун инсониятнинг тақдирига доир проблемаларни ҳал этиш мақсадида юксак доирада бундан буён ўтказиладиган учрашувларда мазкур проблемаларни қараб чиқишда бошқа мамлакатлар, шу жумладан мавжуд ҳарбий иттифоқларда иштирок қилмаётган мамлакатлар, шунингдек Осиё ва Африканинг тегишли мамлакатлари ҳам қатнаштирилади деб умид билдирадилар.

Баёнотда яна шу нарса кўрсатиб ўтиладики, Совет Иттифоқининг халқи ва ҳукумати Индонезиянинг актив ва мустақил ташқи сиёсатини ҳурмат қиладилар ва бу сиёсат бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш ишига муҳим ҳисса қўшади.

Баёнотда айтиладики, Н. С. Хрушчев ва Президент Сукарно ҳар иккала мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик масалаларини қараб чиқдилар. Индонезияни ривожлантиришнинг яқин келажакка мўлжалланган бош планига киритилган лойиҳаларни амалга ошириш учун Совет Иттифоқининг Индонезияга ёрдам кўрсатиши ва Индонезия ҳукуматининг илтимосига мувофиқ янги кредит бериши тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Жумладан, пўлат эритиш, металлургия, кимё заводлари ва бошқа заводлар, тўқимачилик фабрикалари ва бошқа иншоотлар қурилишини лойиҳалаш ва амалга ошириш кўзда тутилади.

Бериладиган кредитнинг суммаси 250 миллион америка доллари миқдорида бўлади, деган қарорга келинди.

СССР ҳукумати атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш программаси юзасидан баъзи ишлар объектларини бажаришда Индонезияга ёрдам беради. Бу ёрдам илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш учун атом реактори етказиб бериш ва мутахассисларни ўқитишни ўз ичига олади.

Баёнотнинг охирида таъкидлаб айтиладики, ҳар иккала ҳукумат СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевнинг визити муваффақиятли ўтганлигидан мамнун эканликларини изҳор қиладилар. Бу визит Совет Иттифоқи ва Индонезия халқлари ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга, ҳар иккала давлат ўртасида иқтисодий ва техника ҳамкорлигини кенгайтиришга ёрдам беради.

СССР Министрлар Советининг Раиси Индонезия Республикасининг Президенти Сукарнони ўзи учун қулай бўлган пайтда дўстлик визити билан Совет Иттифоқига келишни таклиф этди. Президент бу таклифни мамнуният билан қабул қилди.

СССР билан Индонезия Республикаси ўртасида маданий ҳамкорлик тўғрисидаги битим

БОГОР, 28 февраль. (ТАСС). Бугун Богорда СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев ва Индонезия Республикаси президенти Сукарно СССР билан Индонезия Республикаси ўртасида маданий ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имзоладилар.

Битимда айтилишича, аҳдлашувчи томонлар ҳар бир мамлакатда амалда бўлган қонунлар доирасида ва суверенитетни ҳурмат қилиш, бирбирининг ички ишларига аралашмаслик ва ҳуқуқий тенглик принциплари асосида ўзаро манфаат келтирадиган маданий алоқани бутун чоралар билан мустаҳкамлайдилар ва ривожлантирадилар.

Аҳдлашувчи томонлар фан, олий таълим ва маориф соҳасида, соғлиқни сақлаш, адабиёт, санъат ва спорт соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш, тажриба ва муваффақиятларни айирбошлаш учун ўз имкониятлари ва эҳтиёжларига қараб ёрдам берадилар.

Ҳар иккала томон китоб ва журналларни тарқатиш соҳасида, шунингдек радио эшиттириш ва кинематография соҳасида ҳамкорликни ўзаро манфаатдорлик асосида кучайтиради.

Ҳар иккала томон ўз имкониятлари ва эҳтиёжларига қараб, ўз ҳукуматлари тайинлаган гражданларнинг ҳар иккала мамлакатда бўлган илмий, техника ва саноат муассасаларида таълим олишини таъминлайди.

Битимда лекция ўқиш ва лекция курсларини олиб бориш учун олий ўқув юртлари ўқитувчиларини, шунингдек фан ва маданият ходимларини бир-бирларига юборишни кучайтириш ҳам кўзда тутилади.

Бу битим ноталар айирбошланганидан кейин кучга киради. Бу ноталарда ушбу битим томонлардан ҳар бирининг конституциясига мувофиқ тасдиқланганлиги кўрсатилади ва аҳдлашувчи томонларнинг бири битимни ўзгартириш ёки унинг амалга оширилишини тўхтатишни истаганлигини маълум қилган кундан бошлаб 6 ой ўтгач ўз кучини йўқотади.

Совет-Индонезия қўшма баёноти ва битимлар имзоланди

БОГОР, 28 февраль. (ТАСС). Бугун Богорда Президент саройида Совет-Индонезия қўшма баёнотини, иқтисодий ҳамкорлик ва техника ҳамкорлиги тўғрисидаги битимни ҳамда маданий ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имзолаш расмий маросими бўлди.

Уччала ҳужжатнинг ҳаммасини СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев ва Индонезия Республикаси Президенти Сукарно имзоладилар.

Президент Сукарно ва Н. С. Хрушчев ҳужжатларнинг имзоланиши муносабати билан бир-бирларини самимий табрикладилар.

СССР билан Индонезия ўртасида иқтисодий ва техника ҳамкорлиги тўғрисида битим

БОГОР, 28 февраль. (ТАСС). Бугун Богорда СССР билан Индонезия ўртасида иқтисодий ва техника ҳамкорлиги тўғрисида СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев ва Индонезия Республикасининг Президенти Сукарно имзолаган иккинчи бош битимда бундай дейилади: СССР ҳукумати Индонезиянинг умумий иқтисодий тараққиёти учун зарур бўлган саноат объектлари ва бошқа объектлар қурилишида, шу жумладан қора ва рангли металлургия, кимё саноати корхоналари қурилишида, атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланишда, тўқимачилик корхоналари ва қишлоқ хўжалик объектлари қурилишида Индонезия ҳукумати билан ҳамкорлик қилишга розидир.

Бу битимга мувофиқ, СССР ҳукумати Индонезия ҳукуматига 250 миллион америка доллари миқдорида кредит беради, ана шу кредит бўйича йилига 2,5 процент тўлаб туриш шарт қилиб қўйилади. Совет ташкилотлари томонидан бажариладиган лойиҳа ишларининг ҳақини тўлаш ва Совет Иттифоқининг ёрдами билан қуриладиган корхоналар ва объектлар учун зарур бўлган ва СССРдан Индонезияга етказиб бериладиган машина ускуналар ҳамда материаллар ҳақини тўлаш учун шу кредитдан 7 йил мобайнида фойдаланиш ҳуқуқи берилади.

Индонезия ҳукуматининг илтимосига мувофиқ, совет ташкилотлари Индонезияда СССР Иттифоқининг ёрдами билан қуриладиган корхоналар ва объектларда қилирув ҳамда тадқиқот ишларини Индонезия ташкилотлари билан ҳамкорликда бажарадилар.

Совет ташкилотлари, дейилади битимда, Совет Иттифоқининг ёрдами билан қурилиши дозим бўлган корхоналар ва объектларда лойиҳа ишларини бажаришга, шу корхона ва объектлар учун зарур бўлган, лекин Индонезиянинг ўзида топилмайдиган машина ускуналар ва материалларни етказиб беришга, шунингдек корхоналар қурилишида, машина ускуналарни монтаж қилиш ва ўрнатишда ҳамда корхоналарни ишга туширишда техника жиҳатдан ёрдам беришга тайёрдирлар. Улар бунинг учун Индонезияга совет мутахассислари ва малакали ишчиларни юборадилар. Совет ташкилотлари СССРнинг ёрдами билан қуриладиган корхоналарда ишлаш учун Индонезия мутахассисларини ўз жойида ўқитиш йўли билан, шунингдек Совет Иттифоқидаги худди шундай корхоналарда таълим бериш йўли билан тайёрлашда ҳам ёрдам беришга тайёрдирлар.

Совет ташкилотлари ушбу бош битимга мувофиқ қурилган корхоналар ва объектларда тегишли маҳсулот ишлаб чиқаришни ўюштириш учун зарур бўлган техника ҳужжатлари, информация ва лицензияларни Индонезияга топширади. Мазкур ҳужжатлар ва ишлаб чиқариш учун зарур бўлган лицензиялар текинга топширилади ва Индонезия томони ана шу ҳужжатларни тайёрлаш билан боғлиқ бўлган ва совет ташкилотлари қилган харажатларнигина тўлайдилар.

Бу битим, деб таъкидланади ҳужжатда, ўзаро манфаатдорлик, тенгликка, суверенитетни ҳурмат қилишга ва томонларнинг ички ишларига аралашмасликка асосланади.

Совет—Индонезия музокаралари тамом бўлди

БОГОР, 28 февраль. **(ТАСС махсус мухбири).** Бугун куннинг биринчи ярмида Богорда СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев билан Индонезия Республикаси президенти Сукарно ўртасида иккинчи расмий музокаралар бўлди.

Музокараларда совет томонидан — СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громика, СССР Маданият министри Н. А. Михайлов, СССР Министрлар Советининг Чет эллар билан маданий алоқа Давлат комитетининг раиси Г. А. Жуков, СССР Министрлар Советининг ташқи иқтисодий алоқа Давлат комитети раиси С. А. Скачков, СССР Ташқи ишлар министрлиги Шарқи-Жанубий Осиё бўлимининг мудири В. И. Лихачев ҳам қатнашдилар.

Музокараларда Индонезия томонидан — ташқи ишлар министри Субандрио, хавфсизлик министри генерал Насутион, Олий маслаҳат кенгаши раисининг ўринбосари Руслан Абдулғани, Маориф ва маданият министри Прийоно, Миллий план кенгашининг раиси Муҳаммад Ямин, Қурилиш ва ривожланиш министри Хайрул Солиҳ, Ишлаб чиқариш министри бригада генерали Супражоги, Халқ саноати министри генерал-майор Сухарто ва президент кабинетининг бошлиғи Тамзил қатнашдилар.

Расмий музокаралар шу билан тамомланди. Кечқурун Совет-Индонезия қўшма баёнотини, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Индонезия Республикаси ўртасида иқтисодий ва техника ҳамкорлиги тўғрисидаги иккинчи бош битимни ва Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Индонезия Республикаси ўртасида маданий ҳамкорлик тўғрисидаги битимни расмий суратда имзолаш маросими ўтказилди.

Н. С. Хрушчевнинг Индонезияда ёўлиши

ЖАКАРТА, 29 февраль. (ТАСС). СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев бугун Богордан Жакартага қайтиб келди.

Кундузи Жакартада матбуот конференцияси ўтказилиб, бунда Н. С. Хрушчев матбуот учун қилинган баёнотни ўқиб берди. Сўнгра журналистларнинг саволларига жавоб берди.

Куннинг биринчи ярмида СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев Жакартадаги совет элчихонаси ва бошқа совет муассасаларининг ходимлари билан учрашди. Н. С. Хрушчев тўпланганлар олдида қизғин нутқ сўзлаб, Индонезиядаги совет колонияси аъзоларига сиҳатсаломатлик ҳамда СССР билан Индонезия Республикаси ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш йўлидаги ишларида уларга янги муваффақиятлар тилади.

ЁШ ПАХТАКОРЛАРНИНГ БУТУНИТТИФОҚ КЕНГАШИ

Суратда: Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Турсуной Охунова (ўртада) ёш пахтакорларнинг Бутуниттифоқ кенгашида иштирок қилаётган бир гуруҳ меҳмонлар билан ўзаро самимий суҳбатлашмоқда. В. Салов фотоси.

КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми ва ВЛКСМ Марказий Комитети VII Пленумининг қарорларини бажариш юзасидан ўзларининг зарур вазифаларини биргаликда муҳокама қилмоқ учун мамлакатимиздаги пахтакор районлар ёшларининг энг яхши вакиллари ВЛКСМ Марказий Комитети ва СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги томонидан чақирилган Бутуниттифоқ кенгашида қатнашиш учун Тошкентда тўпландилар.

29 февралда Навоий номидаги опера ва балет театрининг залига Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон, Озарбайжон, Қирғизистон, Қозоғистон, Арманистоннинг ёш пахтакорлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари ва комсомол ходимларидан бир мингдан ортиқ киши тўпланди.

Кенгашни ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари В. М. Мироненко очади.

Президиум сайланади. Далаларнинг донгдор новаторлари, пахтачиликни комплекс механизациялаш мусобақасининг ташаббускорлари бўлган етакчи ёшларнинг номлари айтилганида делегатлар гулдурос қарсак чаладилар. Тошкент область, Чиноз районидаги Киров номли колхознинг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова, Фарғона область, Поп районидаги Ленин номли колхознинг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Меликўзи Умурзоқов, Тожикистон ССРнинг Конибодом районидаги «Коммунизм» колхозидан коммунистик меҳнат бригадасининг раҳбари Нарзи Усмонова, Тожикистон ССРнинг Сталинобод районидаги «Ленинград» колхозининг агрономи Раҳимжон Масаидов, Озарбайжон ССРнинг Касум Исмоил районидаги Сталин номли колхозининг звено бошлиғи Элмира Аскерова, Туркманистон ССРнинг Чоржўй районидаги Киров номли колхоз пахта териш машинасининг ҳайдовчи-механиги Раимқул Рўзиев, Қирғизистон ССРнинг Аравон районидаги «Коммунизм» колхозининг звено бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Тожихон Эрматова, Қозоғистон ССРнинг Ильич районидаги Ворошилов номли колхоз комсомол-ёшлар бригадасининг раҳбари Бозорқул Қўшпанқулов, Арманистон ССРнинг Эчмиадзин районидаги «Анвах» колхози ёшлар звеносининг аъзоси Ойқуш Левонян ва бошқалар президиумдан жой оладилар.

Президиумда КПСС Марказий Комитетининг Иттифоқчи республикалар бўйича қишлоқ хўжалик бўлимининг мудири Г. А. Денисов, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. С. Насриддинова, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси О. А. Алимов, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретарлари Ф. Е. Титов, Г. А. Габриельянц ва бошқалар ўтирибдилар.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев бошчилигида Совет Иттифоқи Коммунистик Партияси Марказий Комитетининг Президиуми гулдурос қарсаклар остида кенгашнинг фахрий президиумига сайланади.

Кенгаш кун тартибига «КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг пахта етиштиришни кўпайтириш ва пахтачиликда комплекс механизацияни кенг жорий қилиш ҳақидаги қарорини бажаришда комсомол ташкилотларининг иштироки тўғрисида»ги масала киритилади.

Бу масала юзасидан Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари **М. Иброҳимов** доклад қилади.

Қардош пахтакор республикаларнинг ҳаммасида, дейди у, муайян тажрибалар тўпланди. Бу тажрибаларни айрибошлаш Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг кўрсатмаларини амалга ошириш учун кам меҳнат ва маблағ сарфлаган ҳолда кўп пахта етиштириш учун муваффақиятли қураш олиб боришда комсомол ташкилотларига, барча ёшларга ёрдам беради.

Ўзбекистон комсомол ташкилоти бутун прогрессив агротехникани ва комплекс механизациялашни пропаганда қилишда ва амалий суратда жорий этишда партиянинг жанговар ёрдамчиси бўлишни ўзининг энг биринчи вазифаси деб билиб келди ва билиб келмоқда.

Ўртоқ Иброҳимов ўтган йилда комсомол ташкилотлари томонидан қўлланилган барча иш формалари ва методлари ҳақида батафсил гапиради. Республикада техникани эгаллаш учун юриш эълон қилинди. Район комсомол комитетларининг ходимлари, бошланғич ташкилотларнинг секретарлари, умуман 40 мингдан ортиқ йигит ва қизлар ўқидилар. Ўн мингтадан ортиқ комсомол-ёшлар пахтакор бригадалари, 4 мингта экиш агрегатларининг экипажлари ишлади.

Ўзбекистон комсомоли терим техникаси устидан оталиқ қилиш ташаббусини бошлади. Ўзбекистон комсомоли механик-ҳайдовчилар тайёрлаш курсларига икки мингдан ортиқ йигит ва қизларни юборди, зарбдор ремонт бригадалари ташкил этди, терим техникасининг тайёрлигини текшириш юзасидан енгил кавалерия рейдлари ўтказди. ВЛКСМ Марказий Комитети пахтани машинада теришни жорий қилганлиги учун Ўзбекистон республика комсомол ташкилотини Фахрий ёрлиқ билан мукофотлади. Юздан ортиқ ёш рулевиклар Совет Иттифоқининг орден ва медаллари билан мукофотланди.

Республика комсомол ташкилоти ишлаб чиқаришдаги барча резервлардан самарали фойдаланишда партия ташкилотларига ёрдам кўрсатиб, бу йил қолоқ бригадаларни оталикка олмоқдалар, токи бу бригадалар гектаридан 40—50 центнердан пахта ҳосили етиштирсинлар. Пахта етиштириш ва ҳосилни териб олишда комплекс механизацияни жорий қилишга аввалдагидек асосий эътибор берилмоқда. Комсомол комитетлари механизациялаш мактабларига 7.200 комсомолни юборишга қарор қилдилар, булардан 4 мингдан ортиқ комсомол ҳозирдаёқ йўлланма олди. Ёшлардан иборат ўн мингта экиш агрегати экипажлари ташкил этилмоқда, комплекс механизациялашган комсомол бригадаларининг сони 500 та кўпайтирилиб, 1.800 тагача етказилади.

Ўртоқ Иброҳимов мамлакатдаги турли районлар ёш пахтакорларининг социалистик мусобақасини ташкил этишни таклиф қилади.

Тожикистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари **С. Мирзошоев** ўз докладида пахтачиликни янада юксалтиришдан ибора умумхалқ курашига тожик ёшларининг қўшаётган ҳиссаси тўғрисида гапиради.

Докладчи колхоз комсомол ташкилотларининг иш қобилиятини ошириш масаласига катта эътибор беради. Иш ҳажмининг ошганлиги ва колхозчи комсомолларнинг сони кўпайганлигини ҳисобга олиб, олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган кишилар кўпгина ташкилотларга раҳбарлик ишига келдилар. 150 комсомол ходими ва ёш мутахассислар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг қолоқ участкаларига ўтдилар.

Туркманистон комсомол Марказий Комитетининг биринчи секретари **М. Муллаева** ўз докладида республика ёшларининг ирригация қурилишлари, қўриқ ерларни ўзлаштириш, пахтачиликни комплекс механизациялаш устидан актив оталик қилаётганликлари тўғрисида муфассал гапиради. Жумладан, Туркманистон комсомоли Қорақум каналини комсомол зарбдор қурилиши деб эълон қилди, қарийб 40 минг гектар янги ерларни ўзлаштирмоқда. Колхоз ва совхозларда 900 та комсомол-ёшлар бригада ва звеноларида, шу жумладан 140 та комплекс механизация бригадаси ташкил этилди.

Ўртоқ Муллаева Тошкент ва Ўзбекистоннинг бошқа саноат марказлари ёшларига мурожаат қилиб, уларни пахтакор хўжаликлар учун техника ишлаб чиқаришни тезлаштиришга чақирди.

Тингланган докладлар юзасидан музокаралар бошланди.

Кенгаш ўз ишини давом эттирмоқда. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ Н. Ж. ХУДОЙБЕРДИЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ҚИЛИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ Нормуҳаммад Жўраевич **Худойбердиев** Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари қилиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. НАСРИДДИНОВА.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари И. БАБКОВ.
1960 йил 29 февраль,
Тошкент шаҳри.

ТОШКЕНТЛИК ПАХТАКОРЛАР ФАРҒОНА ДАЛАЛАРИДА

ҚЎҚОН. 29 февраль. **(«Тошкент ҳақиқатининг махсус мухбиридан).** Тошкент область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ Б. Г. Мирзабеков бошлиқ тошкентлик пахтакорларнинг ўзаро текшириш бригадаси аъзолари Фарғонага етиб келди.

Бригада аъзолари ўша куниёқ группаларга бўлиниб, Қўқон, Фарғона, Наманган группаси районларига жўнаб кетдилар. Тошкентлик пахтакорлар Фарғона областининг пахталаларида бир неча кун бўладилар. У ерда чигит экишга тайёргарлик қандай бораётганлигини ўзаро текширишдан ўтказадилар.

Туркистон делегацияси Владимир Ильич Ленин қабулида.
В. И. ва Л. И. Уфимцевлар чизган сурат.

В. И. ЛЕНИН ВА СОВЕТ ТУРКИСТОНИ МЕҲНАТКАШЛАРИ

В. И. Ленин Коммунистик партиянинг миллий масала юзасидан энг тўғри таълимотини ва программасини ишлаб чиқди. Бу программа социалистик революция тўғрисидаги ленинча назариянинг узвий бир қисми бўлиб қолди.

Бу ҳаётбахш назария ижодчиси бўлган Ленининг номи Туркистон меҳнаткашларига тахминан ўтган асрнинг 90- йилларидан маълум бўлди. Унинг номини Россиядан Ўрта Осиёга сургун қилинган социал демократлар — В. И. Ленин Петербургда ташкил этган «Петербург ишчилар синфини озод қилиш учун кураш Союзи»нинг аъзолари кенг ёя бошладилар. Туркистонда «Искра» (1900—1903 йиллар) ва большевистик газеталар—«Вперёд», «Пролетарий», «Новая жизнь», «Правда»нинг тарқалиши натижасида Ленининг номи кенг меҳнаткашлар оммасига маълум бўла бошлади. Бу газеталарда меҳнаткашлар оммасини озод этиш билан боғлиқ бўлган назарий, тактик ва сиёсий-ташкилий масалалар юзасидан Ленининг мақолалари тез-тез босилиб турарди.

Лекин шундай бўлса ҳам, Туркистон меҳнаткашлари орасида, айниқса маҳаллий миллат орасида Ленинни биладиганлар сони айтарлик кўп эмас эди. Улуг Октябрь социалистик революцияси ғалаба қозонгач, Коммунистик партиянинг ва дунё меҳнаткашларининг доҳиси, дунёда биринчи социалистик давлатни тузувчи Владимир Ильич Ленининг номи Туркистонда ҳам деярлик ҳаммага маълум ва машҳур бўлди.

Ишчи ва деҳқонлар, жангчи ва командирлар, студент ва ўқувчилар — ҳар хил ёшлаги турли касб эгалари янги турмуш қуришга оид хилма-хил масалалар юзасидан Ленинга мурожаат қила бошладилар. Улар ўзларининг сон-саноқсиз хат ва телеграммалари орқали ўз дўстлари ва доҳиларини табриклар, уни пролетариатнинг буюк устози ва тарбиячиси, Октябрь революциясининг отаси деб самимий қутлар эдилар, унинг заковати, тадбиркорлиги ва битмас-туганмас куч-ғайратига таҳсин ўқир эдилар. Булар орасида туркистонликлар овози ҳам бор эди.

1917 йил 22 ноябрда Туркистон Советларининг III Ўлка съезди Туркистонда бутун ҳокимият ишчи, солдат ва деҳқонлар депутатлари Советлари қўлига ўтганлигини эълон қилди. Туркистон Халқ Комиссарлари Советининг биринчи раиси большевик Ф. Колесов Ленинга қуйидаги телеграммани юборди:

«Комиссарлар Совети (Туркистон Комиссарлари Совети назарда тутилаётир — К. С.) Сизнинг ҳамма декретларингизни амалга оширишни ўз олдига вазифа қилиб қўйди... Демократия ғалабаларини мустаҳкамлаш учун барча чораларни кўрамиз. Бизлар тўла-тўкис қувватлашимизни назарда тутишингизни сўраймиз».

1918 йилнинг бошлари. Талвасага тушган, қутурган ички ва ташқи душманлар Совет ҳокимиятига қарши, унинг раҳбарларига қарши жонжаҳдлари билан аёвсиз кураш бошладилар. 1918 йил 1 январда улар Ленининг ҳаётига суиқасд қилдилар, Душманларнинг бундай ваҳшийликларига қарши ишчилар синфи, мамлакатимизнинг ҳамма меҳнаткашлари партия теварагига, ўзларининг севимли доҳилари Ленин теварагига янада мустаҳкамроқ жипслашиш билан жавоб бердилар.

Совет Россияси билан Туркистон ўртасидаги алоқа тиклангандан кейин 1919 йил ноябрда В. И. Ленин Туркистон коммунистларига хат билан мурожаат қилди. Туркистон коммунистларига Ленин «Совнарком Раиси ва Мудофаа Советининг Раиси сифатида эмас, балки партия аъзоси сифатида» мурожаат қилиб, уларни Туркистон меҳнаткашлари ўртасида ўртоқларча муносабат ўрнатиш учун бор кучни сарфлашга, ўрнак бўлиш ва амалий иш қилишга чақирди, большевиклар великорус империализмининг барча изларини йўқотиш учун ва халқаро империализмга қарши аёвсиз кураш олиб бориш ниятида эканликларини Туркистон меҳнаткашларига амалий иш билан уқтиришга, исботлашга даъват этди.

В. И. Ленининг бу мурожаатига жавобан ёзган хатларида Туркистон коммунистлари доҳига унинг ҳамма кўрсатмаларини амалга ошириш тўғрисида тантанали ваъда бердилар.

Гражданлар уруши тугаб, партия Ленин раҳбарлигида халқ хўжалигини тиклаш, тинч қурилиш программасини амалга ошириш учун курашни кучайтириб юборди. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи тузилди. Вайрон бўлган ва катта талофат кўрган халқ хўжалигини тиклаш учун Туркистон меҳнаткашлари ҳам зўр ғайрат билан киришдилар.

Сирдарё (ҳозирги Тошкент) области кўнчи ишчилари 1921 йил октябрь ойида «Ишчилар революциясининг толмас курашчиси» В. И. Ленинга қуйидаги мазмунда қизғин қалб сўзларини хат орқали йўллайдилар: «Ўртоқ Ленининг пролетариат диктатурасини амалга ошириш учун ва Шарқда яшовчи халқларни қулликдан озод этиш учун курашда қўшган буюк хизматларини инобатга олиб биз Туркистон ўлкасида Октябрь революцияси бошлаган ишни амалга оширишга тайёрлигимизни якдиллик билан изҳор этамиз... Кўнчиларнинг Сирдарё область ишлаб чиқарувчилар союзи Туркистондаги барча пролетар омма номидан қизғин салом йўллайди».

Совет ҳокимияти Туркистондаги деҳқонлар оммасига хўжалигини тиклаб олишга яқиндан ёрдам берди. Бу ёрдамлар учун деҳқонлар ўзларининг биринчи раҳмат ва олқиш сўзларини севимли доҳилари Ленинга йўлладилар. Деҳқонларнинг мана шу хис-туйғуларини изҳор қилиб 1923 йили Андижон область деҳқонлари Туркистон Марказий Ижроия Комитетига шундай хат ёздилар: «Ҳукумат тепасида меҳнаткаш аҳоли орасидан чиққан, меҳнаткашларнинг ҳақиқий қимоячилари бўлган кишилар турганлиги сабабли ҳозирги пайтда биз, меҳнаткаш халқ контрреволюционерлар ва босмачилар зўрлигидан халос бўлдик, қизил байроқ остида эркин нафас олдик ва осойишта турмушнинг ҳамма самараларидан баҳраманд бўлмоқдамиз... Биз сўнгги томчи қонимиз қолгунча Совет ҳокимияти учун курашишга тайёр эканлигимизни изҳор қиламиз ва буни пролетариатнинг доҳиси ўртоқ Ленинга айтиб қўйишни илтимос қиламиз».

Туркистон меҳнаткашлари Ленинга бўлган чексиз ҳурмат ва муҳаббатларини билдириш ва доҳини ҳурсанд қилиш ниятида ўз меҳнатлари маҳсулидан ажойиб совғалар юборишдилар. Масалан, 1921 йил 5 мартда Фарғона область Халқ хўжалик кенгашининг Президиуми В. И. Ленинга «узоқ Фарғонадан ҳотира сифатида қўлда тўқилган гилам намуналарини» юборди. 1923 йили Қўқон ўймакорлари Қўзибой Юнусов ва Қодиржон Ҳайдаров ўртоқлар меҳр билан бир столча ясаб, уни Ленинга совға қилдилар. Унга ўзбек тилида: «Шарқ халқларининг доҳиси В. И. Ленинга» деб ёздилар.

Мамлакатимиз ва бутун дунё халқлари сингари Совет Туркистони аҳолиси ҳам В. И. Ленинни ўзининг буюк доҳиси, тарбиячи ва ўқитувчиси, энг яқин дўсти сифатида чексиз ҳурмат қиладилар. Ленининг генийси ҳозирда ҳам бу халқлар учун коммунизм йўлини ёритиб турибди.

К. СУВОРОВ.
Тарих фанлари кандидати.

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

МУҲИМ ТАДБИР

Саноат корхоналари, транспорт ва қурилиш ташкилотлари партия ташкилоти секретарларининг Тошкент область партия комитети томонидан чақирилган тўрт кунлик семинари ўз ишини тугатди. Семинар қатнашчилари «Халқаро аҳвол ҳақида», социализмдан коммунизмга ўтиш даврида социалистик давлатнинг роли тўғрисида, Ўзбекистон ССР халқ хўжалигининг етти йилликда ривожланиши тўғрисида, атом энергиясидан халқ хўжалигида фойдаланиш тўғрисида, шунингдек корхона ва қурилишларнинг конкрет экономикаси масалалари юзасидан лекциялар тингладилар.

Семинар қатнашчилари партиявий-ташкилий ва сиёсий иш тажрибаси билан ўртоқлашдилар. Тошкент тўқимачилик комбинати партия комитетининг секретари ўртоқ Сергеева партия ташкилоти илғор иш методларини жорий қилиш учун қандай кураш олиб бораётганлиги ҳақида, Чирчиқ электрокимё комбинати партия комитетининг секретари ўртоқ Ёқубов цех партия ташкилотларининг секретарлари ва партгруппоргалар билан ишлаш тажрибаси ҳақида, Бекобод цемент комбинати партия бюросининг секретари ўртоқ Жабборов оммавий-агитация ишлари қандай олиб борилаётганлиги ҳақида, Олтинтопган қўрғошин-руҳ комбинати партия комитетининг секретари ўртоқ Климачев меҳнатнинг илғор усулларини оммалаштириш тажрибаси ҳақида сўзлаб бердилар.

Семинар ишида область партия комитетининг секретарлари С. М. Веселов, Х. Р. Мусахонова ва А. М. Илюхин ўртоқлар иштирок этдилар.

АҲОЛИ ЎРТАСИДА ЛЕКЦИЯ ВА ДОКЛАДЛАР

Сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи жамиятнинг Тошкент шаҳар Киров район бўлими КПСС Марказий Комитетининг «Ҳозирги замон шароитида партия пропагандасининг вазифалари тўғрисида»ги қарорига амал қилиб, лекция пропагандасини кучайтиришга аҳолида эътибор бермоқда. Шу муносабат билан бу ерда раҳбар партия ходимларининг меҳнаткаш аҳоли ўртасида турли темаларда лекция ва доклад ўқишлари ташкил этилмоқда.

Яқинда «Ўзбексельмаш» заводи клубига корхона ишчилари, пенсионерлар ва уй иши билан шуғулланувчи аёллардан кўп киши тўпланди. Улар учун район партия комитетининг секретари ўртоқ В. Усмонов район саноат корхоналарида 1959 йил ишлаб чиқариш планининг бажарилиш якунлари ва рай-он хўжалигини ривожлантириш истиқболлари ҳақида доклад қилди.

Шунингдек, райком секретари А. Абдуллахонова 5-маҳалла комитетининг иккинчи участкасида яшовчи аҳоли ўртасида меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, эскилик сарқитларга қарши кураш, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Содиқов жамоат тартибини сақлашда комсомол-ёшларнинг роли ва вазифалари ҳақида лекция ўқидилар.

А. ЯВСТИФЕЕВ.

ПРОПАГАНДИСТЛАР СЕМИНАРИ

Яқинда Бўка район партия комитети пропагандистларнинг навбатдаги семинарини ўтказди. Семинарга партия ва комсомол маорифи шоҳобчаларида машғулот ўтказаётган пропагандистлардан 54 киши қатнашди.

Семинарда район партия комитетининг секретари ўртоқ М. Веселогузов КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг қарори муносабати билан пропагандистлар олдида турган вазифалар ҳақида, райком пропаганда ва агитация бўлимининг мудири ўртоқ И. Бўрихўжаев КПСС Марказий Комитетининг «Ҳозирги замон шароитида партия пропагандасининг вазифалари тўғрисида»ги қарори ҳақида доклад қилдилар. Шунингдек, семинар қатнашчилари район партия комитети секретари ўртоқ А. Раҳимовнинг меҳнаткашлар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш тадбирлари тўғрисидаги докладини тингладилар.

Я. ИСМАТОВ.

31 МИНГ КИЛОВАТТ-СОАТ УЧУН

Пойтахтимиздаги «Малофурнитура» заводида КПСС Марказий Комитетининг халқ хўжалигида электр қувватидан рационал фойдаланиш тўғрисидаги Хатига жавобан электр қувватини тежаш комиссияси тузилган эди. Бош электрик инженер ўртоқ Л. Тарасевич бошчилик қилаётган бу комиссия ўтган йили цехлардаги лампочкаларни кам қувват сарф қиладиганлари билан алмаштириш, станоклар, электр моторлар сарфлайдиган қувватни қайта ҳисобга олишда корхона коллективига яқиндан ёрдам берди. Натижада 26.000 киловатт-соат электр қуввати тежаб қолинди.

Корхона ишчилари етти йилликнинг иккинчи йилида камида 31 минг киловатт-соат электр қувватини тежаб қолишга аҳд қилган эдилар. Исрофгарчиликка барҳам бериш натижасида ҳозирнинг ўзидаёқ бир неча минг киловатт-соат электр қувватини тежаб қолинди.

А. МАҲСУМОВ.

Тошкент пассажир-вагон депосининг коллективи илғор ишчи, моҳир рационализатор ва актив жамоатчи Петр Семенович Станиславовнинг номини ҳурмат билан тилга олади. Петр Семенович кўп йиллик самарали меҳнат фаолияти давомида ўнлаб ишбилармон шогирд лар етиштирди. Суратда: ўртоқ П. Станиславов ёш ишчи Д. Дузелбековнинг ишини кўздан кечирмоқда. О. Тўхтаҳўжаев фотоси.

Изоҳли хат

Йўқни йўндириб бўладими?

Ошхонамизда газ плитаси ҳам, холодильник ҳам, электр самовар ҳам бор. Лекин ана шу кўрсанг кўзинг қувонадиган буюмлар билан бир қаторда алмисоҳдан қилган қийма тахта, ачиничоқни ҳам ишлатиб келмоқдамиз.

Илгарилари ҳам унча билинмас экан, айниқса ошхонага пол ётқизиб олганимиздан кейин, мантими, чучварами, хуллас қиймали бирор таом тайёрламоқчи бўлсак, ҳаммаёқни дукур-дукур босиб кетадиган бўлиб қолди. Шундан сўнг мен, албатта, гўшт қиймалагич сотиб олишга қарор қилдим.

Афсус, минг афсуски, эртаси ҳам, индини ҳам, қўйингчи, ҳалигача гўшт қиймалагич ололганим йўқ. Нега дейсизми? Йўқ! Шаҳар дўконларининг ҳеч бирида йўқ!

Тунов куни омадим келиб устидан чиқиб қолдим. Шундай қувониб кетдимки, асти қўяберинг. Аммо лекин шодлигим сув бетидаги кўпиклек бир зумда сўнди, қўйди. Чунки гўшт қиймалагич менгагина эмас, мендан олдин навбат кутиб турган кишиларга ҳам етмади. Биз сотувчини ўртага олдик.

— Тамом бўлди. Бошқа йўқ. Омборимизда бўлмаса, базада топилмаса, қаёқдан олиб бераман. Йўқни йўндириб бўладими, — деди у.

Нима ҳам дердик, индамасдан дўкондан чиқиб кетдик.

Тавба, неча-неча завод ва фабрикалар ҳуснига-ҳуси қўшиб турган пойтахтимиз — Тошкентдек шаҳри азмда аҳоли эҳтиёжини қондирадиган миқдорда гўшт қиймалагич ишлаб чиқариш мумкин эмасмикин?

Р. НАЗИРБЕКОВ,
Тошкентдаги 2. мебель фабрикасининг мастери.

Кейинги кунларда редакциямизга шу мазмунда анчагина хатлар келди. Хабар қилишларича гўшт қиймалагич биргина корхона — Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводида ишлаб чиқарилар экан.

Биз корхонага бордик-да, завод директори ўртоқ Н. Проскуряковга -мақсадимизни лўнда қилиб айтиб қўя қолдик.

— Гўшт қиймалагич тайёрлаш топшириғи ой сайин бажарилиб турибди. Бу йил 30 минг, келаси йилда эса 35 минг дона ишлаб чиқаришни планлаштирганмиз. Бунинг учун барча имкониятлар мавжуд. Бу топшириқни меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан бажармоқчимиз. Ишни уч сменада ташкил қилмоқчимиз. Бу уч баравар кўп маҳсулот тайёрланади демакдир, — деди завод директори.

Суҳбатга цех бошлиғи ўртоқ А. Фитков ҳам аралашиб:

— Гапингиз тўғри-я, бироқ йигувчилар уч сменада ишлай олмайдилар. Чунки тайёр маҳсулотни кўядиган жой йўқ.

— Сичқон сиғмас инига, ғалвир боғлар думига, деган мақол ҳудди бизга қарата айтилганга ўхшайди. Биз бундан тўрт йил муқаддам ойига 800 дона гўшт қиймалагич тайёрлар эдик. Ҳозир эса ўша майдон, ўша станоклар билан уч баравар кўп маҳсулот тайёрлаш планлаштирилди. Шароит яратиб бермагунларича белгиланган миқдорда гўшт қиймалагич тайёрлаш мумкин эмас, — деди у.

— Келинглар, бу ерда гап сотиб ўтиргандан кўра, цехга кирайлик, қандай шароитда ишлаётганимизни кўринглар.

Цех томон йўл олдик. Гўшт қиймалагич ишлаб чиқариш учун 3 та пастаккина кичик-кичик хона ажратилган экан. Мастер ўртоқ Королевнинг ишбилармандлигига қойил қолиш керак. Хоналар кичик бўлишига қарамай, ёғ тушса ялагудек. Бироқ асбоб-ускуналар шунчалик кўпки, баракали меҳнат қилиш у ёқда турсин, бемалол юриш ҳам амримаҳол.

— Биз ҳам майли-я, — деди мискар Н. Рашидов, — йигувчиларга жуда қийин. Бу ерда биттадан ортиқ киши ишлай олмайди.

Хоналарнинг бирида гўшт қиймалагич тайёрлаш учун зарур асбоб-ускуналар зўрба-зўр жойлаштирилгани ҳолда, бир бурчакда ювиниш ва ечиниш учун жой ажратиб қўйилибди. Қизиқ, шундай катта даргоҳда ювинадиган ва ечинадиган бошқа жой топиш мумкин бўлмаса.

— Ажойиб ишчиларимиз бор, — дейди ўртоқ Н. Королев, — мискар М. Савкин, токарь В. Зеленцов, йигувчи Л. Муҳамеддиева, слесарь В. Тимченколарнинг ҳар бири 3-4 кишининг ишини бажара олади. Бироқ корхонамиз раҳбарлари гўшт қиймалагич ишлаб чиқариш иккинчи даражали иш деб, ғалабларимизга бефарқ қараб келмоқдалар.

Корхона раҳбарлари гўшт қиймалагич ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қизиқмаётганлари равшан кўриниб турибди. Акс ҳолда ўлдим-ўлдим деб ишлаётган, 30 йилдан ортиқ «иш стажи»га эга бўлган «Франц Браун», «унумли» ишлашда ундан қолишмайдиган пармалаш станоклари шу чоққача янгилари билан алмаштирилмаганлигини нима деб тушунса бўлади. Наҳотки, ширпотреб цехига раҳбарлик қилиш топширилган бош инженер ўринбосари ўртоқ А. Слесарев ваъдабозликдан амалий ишга ўтиш пайти келганлигини тушунмаса?!

Гўшт қиймалагич ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун аввало, ширпотреб цехини тубдан реконструкция қилиш, уни янги асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш лозим.

Тошкент Халқ хўжалиги кенгаши раҳбарлари ҳам, корхона маъмурияти ҳам ширпотреб цехи коллективи талабларини бажариб, уларнинг унумли меҳнат қилишлари учун шароит яратиб берсаларгина кўплаб гўшт қиймалагич ишлаб чиқариш мумкин.

Шундай қилинганда, гўшт қиймалагич қидириб, шаҳар кезиб юрган меҳнаткашлар савдо ташкилоти ходимларининг «йўқни йўндириб бўладими», деган саволларига ҳа, йўқни йўндирса бўлади, бизга намунали хизмат кўрсатмоқчи бўлсангиз, Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводига борингда, керагича гўшт қиймалагич олиб келинг деб, айта оладилар.

Б. БЕРЕЗНЯК,
У. ҒОЗИЕВ.



Калинин районидаги генерал Сосир Раҳимов номли колхоз аъзолари бу йил 3674 тонна сабзавот маҳсулотлари, 3472 тонна картошка ва 2000 тонна полиз экинлари маҳсулотлари етиштириш учун курашмоқдалар. Ҳозир колхозда эртаги картошка экишга қизғин киришилди. Суратда: тракторчилардан А. Алимов ва Д. Мўминжонов ўртоқлар квадрат-уялаб картошка экмоқдалар.

Р. Исаев фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

ЛЕНИН ҲАҚИДА ЯНГИ МУЗИКА АСАРЛАРИ

Ўзбекистон композиторлари В. И. Ленин туғилган кунинг 90 йиллигига актив тайёргарлик кўрмоқдалар. Улар бу шонли кунга атаб музика кечалари тайёрладилар. Бу кечаларнинг программасига Ильичга бағишланган янги пьесалар киради.

Ўзбекистон композиторлари ҳозирги вақтда қандай асарлар устида ишламоқдалар?

ЎзТАГ мухбирига хабар қилинишича, республика композиторлари союзида 20 тага яқин янги асарлар яратиш мўлжалланмоқда. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг Ильичга бағишланган ва шу вақтгача маълум бўлмаган музика асарлари алоҳида аҳамиятга эгадир.

А. Козловский Ҳамза шеърларига оркестр билан ижро этиладиган хор учун вокал-симфоник пьеса ёзди. Г. Мушель С. Шчипачев шеърига «Ленин тўғрисида икки эсдалик» деган романслар яратди. Композитор М. Бурхонов шоир Ҳамид Ғулом билан ҳамкорликда ашулалар ва хор асарлари яратмоқда. М. Левиев А. Бобожон либреттоси асосида «Ленин биз билан» деган кантата устида ишламоқда.

Композиторлардан Ҳ. Раҳимов, Б. Гиенко, И. Ҳамроев, Ғ. Қодиров, В. Князев, С. Бобоев, И. Акбаров ва бошқалар янги ашулалар, романслар тақдим қиладилар. (ЎзТАГ).

МУЗОКАРАДА ҚАТНАШГАНЛАР



Ўртоқ Ж. ПАРДАЕВ.

Ўртоқ Т. ШОРАСУЛОВ.

Ўртоқ У. ЮСУПОВ.



Ўртоқ Т. БОЙНАФАСОВ.

Ўртоқ Ҳ. ТУРСУНҚУЛОВ.

Ўртоқ П. ЮРКОВ.

Ўртоқ М. МИРЗАЕВ.

БОҒ ВА ТОКЗОРЛАРНИ КЕНГАЙТИРИБ, ҲОСИЛДОРЛИГИНИ ОШИРАМИЗ

Боғбонларнинг область кенгашидан

Республика колхоз ва совхозларида боғлар 1965 йилда 96,7 минг гектарга ва 1970 йилда 153,4 минг гектарга; токзорлар 1965 йилда 88,2 минг гектарга ва 1970 йилда 144,3 минг гектарга етказилсин. 1960 йилда камида 11,8 минг гектар боғ ва 9,2 минг гектар токзор барпо қилинсин.

Колхоз ва совхозларнинг боғларида гектаридан олинадиган мева 1965 йилда 86 центнерга ва 1970 йилда 110—120 центнерга, токзорларнинг ҳосилдорлиги 1965 йилда гектарига 110—115, 1970 йилда 120—130 центнерга етказилсин. Колхоз ва совхозларда, 1965 йилда 949 минг тонна, 1970 йилга бориб 1.748 минг тонна мева ва узум етиштирилсин. Шу жумладан қуруқ мева ва майиз етиштириш 1965 йилда 33 минг,1970 йилда эса 56 минг тоннага етказилсин. 1960 йилда камида 112 минг тонна мева ва 203 минг тонна узум етиштирилсин.

(Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Ўзбекистон ССРда боғдорчилик ва узумчиликни янада ривожлантириш тўғрисида»ги қароридан).

27 февралда Свердлов номли концерт залида Тошкент область боғбонларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш қатнашчилари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг Ўзбекистонда боғдорчилик ва узумчиликни янада ривожлантириш тўғрисидаги қарори асосида амалга оширилиши зарур бўлган масалаларни кенг муҳокама қилиб, муҳим тадбирлар белгиладилар.

Кенгашда областимизнинг илғор боғбонлари ва узумчилари, звено, бригада бошлиқлари, колхоз раислари ва совхозларнинг директорлари, бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари, қишлоқ хўжалиги мутахассислари, район ва шаҳар партия комитетларининг секретарлари, район ва шаҳар ижроия комитетларининг раислари, илмий ходимлар, партия ва совет активлари иштирок этдилар.

Кенгашни область ижроия комитетининг раиси **Х. Ж. Жалилов** очди.

Кенгаш қатнашчилари баланд руҳ билан КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзоларини фахрий президиумга сайладилар.

Область партия комитетининг секретари **Э. Т. Шайхов** КПСС МК декабрь Пленумининг қарорлари ва областимиз боғбонлари ва узумчилари олдида турган муҳим вазифалар ҳақида доклад қилди.

Докладчи республикамиз ва шу жумладан областимиз меҳнаткашлари ўтган йили КПСС XXI съезди қарорларини амалга ошириш, етти йиллик план топшириқларини муваффақиятли бажариш учун курашиб, қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида ажойиб натижаларга эришганликларини кўрсатди. Мамлакатга ҳар қачонгидан ҳам кўп пахта, чорвачилик маҳсулотлари етказиб берилди, пилла ва луб экинлари ҳосили етиштириш соҳасида олинган социалистик мажбуриятлар анча ошириб бажарилди.

Шунингдек докладчи область колхоз ва совхозларида кейинги йилларда боғдорчилик ҳамда узумчиликни ривожлантириш соҳасида ҳам бирмунча ишлар қилинганлигини таъкидлаш билан бирга, ҳали бу соҳада жуда катта камчиликлар бор, деди.

— Етти йилликнинг биринчи йилида, — деди ўртоқ Шайхов, — область колхоз ва совхозлари давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш планларини барча турлар бўйича ошириб бажардилар-у, фақат узум, ҳўл мева, қуруқ мева ва ёнғоқ сотиш планларини бажара олмадилар. Бошқача қилиб айтганда давлатга узум сотиш плани 75 процент, ҳўл мева — 60 процент, қуруқ мева—89 процент ва ёнғоқ—47 процент бажарилди. Мамлакатга 7 минг тоннадан ортиқ ҳўл мева ва узум кам берилди.

Шундан сўнг докладчи область колхоз ва совхозларида боғдорчилик ва узумчиликни янада ривожлантириш масалаларига тўхталди. Колхоз ва совхозларнинг меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг қарорларига жавобан, ўз зиммаларига боғ ва узумзорлар майдонини кенгайтириш ҳамда уларнинг ҳосилдорлигини ошириш асосида мева ва узум етиштириш соҳасида етти йиллик планни муддатидан илгари — 1963 йили бажариш мажбуриятини олдилар.

Етти йиллик план топшириқларига мувофиқ 1960 йили 2990 гектар, 1961 йили 2659 гектар, 1962 йили 3363 гектар ва 1963 йили 3763 гектар ерда янгидан боғ ҳамда 1960 йили 2327 гектар, 1961 йили 2062 гектар, 1962 йили 2640 гектар ва 1963 йили 2327 гектар ерда янгидан узумзор ташкил қилинади. 1963 йилга бориб боғларнинг умумий майдони 24,7 минг гектарга, шу жумладан мева берувчи боғ майдони 6,5 минг гектарга ва олинадиган меванинг ялпи ҳосили 47 минг тоннага, узумзорларнинг умумий майдони 19 минг гектарга, шу жумладан ҳосил берадиган узумзорларнинг майдони 10 минг гектарга ва узумнинг ялпи ҳосили 93 минг тоннага етказилади.

Бундан ташқари 1960—1963 йиллар мобайнида каналлар, магистрал йўллар ва кўчалар четига, колхоз ҳамда совхозларнинг ихтиёридан олинган полосаларга ҳаммаси бўлиб 3 миллион тупга яқин мевали дарахт ўтқазилади. 1964 — 1965 йиллар мобайнида яна янгидан 4000 гектар ерда боғ ва 3000 гектар ерда узумзор ташкил қилинади. 1965 йилга бориб етиштириладиган меванинг ялпи ҳосили 88 минг тоннага ва узумнинг ялпи ҳосили 130 минг тоннага етказилади ёки етти йиллик планда назарда тутилганига нисбатан 1,6 баравар кўпайтирилади.

Докладчи боғ ва узумзордар майдонини кенгайтириш, мева ва узумдан юқори ҳосил олиш ва уни сотиш йўли билан кўп даромад қилиш соҳасида жуда катта муваффақиятларга эришаётган Янгиер шаҳридаги Карл Маркс номли, «Коммунизм», Гулистон районидаги «Красная заря», Ленин номли, Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон», Киров номли, Свердлов номли колхозлар, Бекобод районидаги 1-«Далварзин», Янгиер шаҳридаги 4-«Боёвут», 9- «Вревский», 2- «Қуйи Чирчиқ», 1-«Қибрай», 6- «Қибрай», 5- «Дўрмон» совхозлари ва бошқа хўжаликлар билан бир қаторда, хўжаликнинг ана шу муҳим соҳасини ривожлантиришга етарли эътибор бермаётган район, колхоз ва совхозларга таллуқли кўпгина мисолларни ҳам келтирди.

Область колхозларида 1959 йили пландаги 2458 ўрнига 1259 гектар ерда боғ ва 936 гектар ўрнига 373 гектар ерда узумзор ташкил қилинди. Шу жумладан Пискент районида ўтган йили бир гектар ерга ҳам кўчат ўтқазилмади. Оққўрғон, Ўрта Чирчиқ, Қуйи Чирчиқ районларида боғ ва узумзорлар ташкил қилиш плани айниқса қониқарсиз бажарилди.

Областдаги 12 совхозда боғ ва 16 колхозда узумзор мутлақо йўқ. Бекобод районидаги Навоий номли, Гулистон районидаги «Ленинский путь», Мичурин номли, «XXI партсъезд», Юқори Чирчиқ районидаги Ленин номли, «Ленинский путь», Қуйи Чирчиқ районидаги Карл Маркс номли, Ленин номли, Бўка районидаги Охунбобоев номли, Ленин номли, «Коммунизм», Жамбул номли, Карл Маркс номли колхозлар шулар жумласидандир.

Областдаги 41 колхозда боғ ва узумзорларнинг майдони 5—10 гектардан ошмайди. Айниқса Оққўрғон ва Бўка районларида боғ ва узумзорлар жуда кам.

Сўнгра докладчи боғдорчилик ва узумчиликни кенгайтиришда ҳал қилувчи роль ўйнайдиган кўчат етиштириш масаласига тўхталди. Бу иш билан шуғулланувчи Тошкент давлат мева кўчатзорида иш яхши ташкил қилинмаган. Бу ерда етиштирилаётган кўчатларнинг сифати ёмон ва тасодифий хиллардан иборат. Мева ва узумнинг районлаштириб тасдиқланган наслли навлари ҳисобга олинмайди. Бу ҳол область зоналари ва районларида боғдорчилик ва узумчиликни тўғри жойлаштириш ва ихтисослаштиришга халал бермоқда.

Тошкент Халқ хўжалик кенгашига қараши совхозлар ҳам кўчат етиштириш масаласи билан етарли шуғулланмаётирлар. Ана шу совхозларда кўчатзорларнинг майдонини кенгайтириш ва стандарт кўчатлар етиштиришни кўпайтириш ўрнига, кўчатзорлар майдони ва етиштирилаётган кўчатнинг миқдори кескин равишда озайиб кетди.

Кўпчилик колхоз ва совхозлардаги боғ ва узумзорлар қатор ораси ниҳоятда сийрак. Боғ ва узумзорларни парвариш қилишда механизациядан қониқарсиз фойдаланилаётир. Бу мева ва узум етиштиришга ошиқча кўп меҳнат сарфлаш ва маҳсулотнинг таннархини ошириб юборишга олиб келмоқда.

Кўпчилик хўжаликларда боғ ва узумзорларга яхши ишлов берилмаётганлиги ва мевали дарахт ҳамда токлар яхши парвариш қилинмаётганлиги натижасида мева ва узумдан жуда кам ҳосил олинмоқда. Оржоникидзе районидаги «Ленинград» колхозида ўтган йили 105 гектар ердаги токдан ҳаммаси бўлиб 250 тонна узум олинди. Юқори Чирчиқ районидаги колхозларда ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 34 центнердан, Пискент районидаги колхозларда эса ҳаммаси бўлиб 9 центнердан узум олинди. Бекобод, Бўстонлиқ, Янгийўл районларидаги бир қатор колхозларда узумдан янада кам ҳосил олинди. «XXI партсъезд», «Ховос», «Тошкент», 2-«Оҳангарон», «Оқ-қўрғон» совхозларида ҳар гектар ердаги боғдан 3 центнергача мева ва ҳар гектар ердаги токдан 5 центнердан 7 центнергача узум олинди.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги, «Ўзбекбирлашув», область савдо бошқармаси, кооперативлар, шаҳар савдо ташкилотлари, тайёрлов органлари, колхоз ва совхозлар мева ҳамда узумни сифатли тайёрлаш, уни қайта ишлаш, сақлаш ва аҳолига бутун йил давомида сотиш масалалари билан етарли шуғулланмаётирлар.

Шунга эришмоқ керакки, боғдорчилик ва узумчиликка илғор тажриба ва агрономия фани ютуқларини кенг жорий қилиш йўли билан ҳар гектар ердан олинадиган узум ва меванинг миқдори 200—300 центнерга етсин.

Бу йил область колхоз ва совхозлари боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантириш юзасидан тасдиқланган план ва олинган социалистик мажбуриятга мувофиқ 4284 гектар ерда, шу жумладан 2270 гектар ерда боғ ва 1381 гектар ерда узумзор ташкил қилишлари ҳамда 8900 тонна мева ва 37 минг 800 тонна узум етиштиришлари лозим.

Докладчи ўз сўзининг охирида колхоз ва совхозларда янгидан боғ ва узумзорлар ташкил қилиш ишларини кенг қизитиб юбориш ва бу ишни яқин кунлар ичида тўла тамомлаш кераклигини таъкидлади. Бу вазифанинг уддасидан чиқиш, боғ ва узумзорларга ишлов беришни ҳамда мева ва токларни яхши парвариш қилишни тўғри йўлга қўйиш мақсадида колхоз ва совхозларда ихтисослаштирилган боғ-узумчилик бригадалари ташкил қилиш лозим. Ана шу бригадалар ихтиёрига етарли миқдорда ер участкалари, техника, ишчи кучи ва ўғит ажратиб бериш зарур.

Музокарада сўзга чиққан Бекобод районидаги Дзержинский номли колхозининг бригадири ўртоқ **Ж. Пардаев** ўз хўжалигида токзор ва мевазорларни кенгайтириш соҳасида зарур тадбирлар амалга оширилаётганлиги ҳақида гапирди.

— Ҳозиргача бизда фақат 86 гектар боғ бўлиб, — деди у, — шундан 61 гектари олмазор, қолгани нок, анор, анжирзор эди. Тўғрисини айтиш керак. Сўнгги йилларда боғдорчиликка эътибор бермай қўйдик. Натижада олган ҳосилимиз ҳам, даромадимиз ҳам кишини ранжитадиган даражага бориб етди. Партиямиз Марказий Комитети декабрь Пленуми қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларини, шу жумладан боғдорчиликни ҳам ривожлантириш тадбирларини белгилаб берди. Биз бу йил 50 гектар ерда янги боғ барпо қилиш ва эски боғларни қайта ремонт қилишга қарор қилдик. Шу мақсад билан зарур тадбирларни амалга оширмоқдамиз.

— Совхозимизнинг мен бошчилик қилаётган бўлими, — деди Бўстонлиқ районидаги 14-«Ўгам» совхозидан ўртоқ **Т. Шорасулов,** — асосан боғдорчилик ва узумчилик билан шуғулланади. 1959 йилда уруғлик боғларнинг ҳар гектаридан 50 центнердан, данаклик боғларнинг ҳар гектаридан 64 центнердан, ёнғоқсимон боғларнинг ҳар гектаридан 25 центнердан — ҳаммаси бўлиб 3397 центнер мева ҳосили олинди. Бўлимимизда 60 гектар ерда токзоримиз бор. Шундан 10 гектари ҳосилга кирган. Ўтган йили ҳар гектар ердан 112 центнердан узум олдик. План 110 процент бажарилди. Шундай қилиб, йиллик даромадимизнинг қарийб 52 проценти боғдорчилик ва узумчиликдан қўлга киритилди.

Бизда ҳали ҳосилга кирмаган 192 гектар мевали боғ бор. Ана шу мевали дарахтларни яхши парвариш қилиб бир-икки йил ичида ҳосилга киритиш билан бирга бу йил пландаги 20 гектар ўрнига 32 гектар ерга ўрик кўчатлари ўтқаздик. 10 гектар ерда токзор барпо қилдик. Яна яқин кунлар ичида 10 гектар ерга ток қаламчалари ўтқазамиз. Шундай қилиб шу йилнинг охирида 294 гектар мевали боққа ва 80 гектар токзорга эга бўламиз. Бизнинг бу йилги мажбуриятимиз юксак. Турли хил мевали боғларнинг ҳар гектаридан 35 центнердан 90 центнергача, токзорлардан эса 150 центнергача ҳосил олиш учун курашмоқдамиз. Ана шундай қилиб боғдорчилик ва узумчилик бўйича етти йиллик планни 1963 йилда тўла ва ошириб бажаришга эришамиз.

Оржоникидзе районидаги 5-«Дўрмон» совхозининг бригада бошлиғи ўртоқ **Т. Бойнафасов** ўз сўзида боғдорчилик соҳасида ҳам гулистонлик машҳур пахтакор Ғанишер Юнусовнинг изидан боришга қарор қилганлигини айтди. Мен, — деди у, — 1959 йилнинг охиригача звено бошлиғи бўлиб ишлаб келдим. Менинг кўп умрим боғдорчиликка бағишланди. 1948 йилда мўл узум ҳосили етиштирганлигимни тақдирлаб, партия ва ҳукумат Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвон берди. Мен партиямиз Марказий Комитети декабрь Пленуми қарорларидан илҳомланиб, худди Ғанишер ака каби совхозимиздаги энг қолоқ узумчилик бригадасини юқори ҳосилли бригадаларга айлантириш вазифасини ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим. Бу йил 20 гектар токзорнинг ҳар гектаридан 12 тоннадан ошириб, жами 250 тонна узум ҳосили олиш учун курашмоқдамиз.

Шундан кейин Шредер номли мевачилик илмий-текшириш институтининг директори ўртоқ **М. Мирзаев** сўз олди.

— Тошкент областида, — деди у киши бошига ҳисоблаганда фақат 16 килограммдан мева етиштирилаяпти. Бу боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантириш ва унинг ҳосилдорлигини ошириш соҳасида талабга жавоб берарли даражада иш қилинмаётганлигини кўрсатади. Областимиздаги 12 та узумчилик совхозида 160—180 центнердан ҳосил олинаётгани ҳолда қатор районларда боғ ва токзорларнинг ҳосили йилдан-йилга камайиб кетмоқда.

Хўш мевали боғлардан ва токзорлардан юқори ҳосил етиштириш учун қандай тадбирларни амалга ошириш керак? Бунинг учун дастлаввал,— сўзида давом этди ўртоқ Мирзаев, — колхоз ва совхоз раҳбарларининг боғдорчиликка бўлган нотўғри муносабатларини тубдан ўзгартириш лозим. Нега деганда ана шу нотўғри муносабатлар туфайли кўпгина боғларнинг йўқ бўлиб кетганлиги ҳаммамизга маълум. Иккинчидан, ҳозир мавжуд бўлган боғларнинг хатоларига қўшимча кўчат ўтқазиш керак. Учинчидан, олий мактабларни битирган мутахассис кадрларни 100 процент бу соҳага жалб қилиш ва тажрибали миришкор боғбонлардан тўла ва тўғри фойдаланиш лозим. Ҳеч кимга сир эмас. Олий маълумотга эга бўлган кўпгина мутахассислар ҳозир иккинчи даражали ишлар билан шуғулланиб юрибдилар. Яна шуни айтиш керакки, поялардан воз кечиб, токларни темир-бетон ишкомларига кўтариш катта фойда беради, механизациядан кенг фойдаланиш имкониятини туғдиради. Шу билан бирга зараркунандаларга қарши курашишни ҳам ҳеч қачон эсдан чиқармаслик керак.

Мана шу тадбирлар изчиллик билан амалга оширилган тақдирда мевали боғлардан ҳам, токзорлардан ҳам кутилган ҳосилни олаверамиз. Бизнинг тажриба участкамизда бир гектар ердаги токзордан 50—60 тоннагача, бир гектар ердаги қулпнайдан 12 тоннагача ҳосил олинди. Мана шунинг ўзи агробиология қоидаларига амал қилинса областимизда боғдорчиликнинг кескин ривожланишидан дарак беради.

Кенгаш қатнашчилари Янгиер шаҳридаги 4- «Боёвут» совхозининг директори ўртоқ **У. Юсуповнинг** сўзларини қунт билан тингладилар. У ўз нутқини қадимий сувсиз чўлда қандай қилиб боғ ва токзорлар ташкил қилинаётганлигига қаратди.

— Совхозимиз коллективи, — деди ўртоқ Юсупов, — кейинги учтўрт йил ичида 200 гектардан ортиқ мевали боғ ва токзорлар барпо қилдилар. Эндиликда ўзимизнинг ширин-шакар олма, анжир, шафтоли, ўрикларимизга эгамиз. Бу — серқуёш Ўзбекистонимизнинг ҳамма районида, ҳатто Мирзачўлнинг шўр ерларида ҳам иқлим шароитига мослаб мевали боғлар барпо қилиш ва унинг ҳосилдорлигини ошириш мумкинлигини исбот қилади. Эндиликда ҳеч ким ўз қўли билан бунёдга келтирилган, атрофини ямяшил боғ ва токзорлар ўраб турган уйларини ташлаб кеттиси келмайди.

Биз бундан буён ҳам мевали боғ ва токзорларни кенгайтира бориб, ундан мўл ҳосил олиш тадбирларини белгиламоқдамиз. Шу даражага эришиш керакки, етиштирган узумларимиз фақат ўзимизни таъминлабгина қолмай, Москва, Ленинград, Урал ва Сибирдаги дўстларимизни ҳам таъминлайдиган бўлсин. Бизнинг биродарларимиз Ўзбекистон меваси ва узумидан янада кўпроқ баҳраманд бўлсинлар.

Бунинг учун дастлаб йирик кўчатзорлар яратишимиз лозим, мева ва узумларнинг навларини яхшилашимиз керак. Шу билан бир қаторда боғларни яхши парвариш қилишга қодир мутахассис кадрлар тайёрлаш, бунинг учун алоҳида боғдорчилик ва узумчилик мактаблари ташкил қилиш зарур.

Боғ ва токзорларни кенгайтиришдек олижаноб ишда ҳеч кимнинг четда қолмаслиги, лоақал шаҳар ва қишлоқларнинг ҳар бир меҳнаткаши биттадан кўчат ўтқазиши керак. Шундай қилинганда областимиз яшнаган боққа айланади. Узум ва мева мўл бўлади.

— Мевали дарахтларни совуқ урган 1954 йилдан кейинги ўтган тўрт-беш йил ичида 352 гектар ерда боғ барпо қилдик, деди ўз сўзида Чиноз районидан 9-совхознинг директори ўртоқ **П. Юрков.** Бу боғлар ҳозирги замон агрономия фани асосида парвариш қилинмоқда. Биз мевали кўчат ўтқазишимизда май ойидан то ноябрь ойигача ҳосил олиш имкониятини берадиган навларни танлаймиз. Бу шаҳар аҳолисини узлуксиз мева билан таъминлаб туриш имкониятини беради.

Совхозимиз коллективи ўз олдиларига катта мақсад қўйган. Биз 1965 йилга бориб, мевали боғларни 768 гектарга, токзорларни эса ҳозирги 150 гектардан 550 гектарга етказишни планлаштирганмиз. Шунингдек, олинадиган ҳосилни тинмай ошириб бориш ва боғдорчиликда ҳам механизацияни кенг қўлланиб етиштирилган ҳосилнинг таннархини кескин камайтириш учун курашмоқдамиз.

Бу йил ҳосилга кира бошлаган боғларимиздан 210 тонна шафтоли, олхўри, олма, гектаридан 130 центнердан, ҳаммаси бўлиб 1 400 тонна узум ҳосили оламиз.

Коллективимиз боғдорчилик ва узумчилик соҳасида етти йиллик учун белгиланган планни 1963 йилда бажариш, мева ҳосилини 1000 тоннага, узум ҳосилини эса 3500 тоннага етказиш мақсадида қизғин кураш бошлаб юбордилар.

Кенгаш охирида машҳур соҳибкор **Ризамат ота Мусамуҳамедовга** сўз берилди.

— Боғбончилик бу миллионерчилик, — деб сўз бошлади Ризамат ота, — Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози аъзолари боғ ва токзорларини кенгайтира бориб, 1000 гектарга етказишди. Ўтган йили мева ва узумнинг ўзидан 8 миллион сўм даромад қилишди. Областимизда ҳалиги айтганимиздай боғбончилик — миллионерчилик деб бу соҳага эътибор бераётган хўжаликлар оз эмас. Аммо лекин кўпгина хўжаликларда ота-боболаримизнинг номини жаҳонга танитган боғдорчиликка етарли эътибор берилмай қўйилди. Мен бир кам саксон ёшга кириб гектаридан 70 тоннадан узум етиштирдим. Республикамиз бўйича ҳар гектар токзордан 4 тоннадан узум ҳосили олинипти. Бунга қандай чидайсан киши. Бир сигирнинг хусайнига ўхшаган тўртта эмчаги бор. Шу тўртта эмчакдан беш тоннадан сут соғиб олишаяпти, энди бир гектар ерда 1000 туп ток бор. Ана шундан фақат тўрт тоннадан узум олинаяпти. Мана бунга ўзинглар бир мағзини чақиб кўринглар.

Икки хил қон бўлади. Бири ернинг остида, бири ернинг устида. Ернинг устидаги конни сиз билан биз барпо қиламиз, ҳосилини оламиз. Шу конларнинг бири боғдорчилик. Бунга катта эътибор бериш керак. Мен олим эмасман. Аммо олимлар суҳбатидан ҳоли эмасман. Улар берган маслаҳатларга ама. қилиш керак. Биринчидан тарқоқ ҳолда эмас, бир жойга мужассамлаштириб боғ барпо қилиш керак. Кўчатинг ола бўлса ҳосилинг кам бўлади. Пахтакорлар ҳосил кўчатидан олинади дейишади-ку. Ҳақ гап. Биз ҳам боғдорчиликда хатога йўл қўймаслигимиз лозим. Ток ўтқазаётганда шунга эътибор беринг. Унинг орасида ёзлиги, кузлиги, қишга сақлайдигани бўлсин. Аҳолининг мевага бўлган талабини бир меёрда қондириб туриш сиз билан бизнинг вазифамиздир.

Доклад юзасидан бўлган музокараларда Сирдарё район партия комитетининг биринчи секретари **И. Каримов,** Янгийўл районидаги «Шарқ юлдузи» колхозининг раиси, Уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Ҳ. Турсунқулов** ўртоқлар ҳам қатнашдилар.

Кенгаш қатнашчилари 1960 йилда мева ва узум ҳосилини кескин кўпайтириш тўғрисида бир овоздан социалистик мажбурият қабул қилдилар.

1959 йилда боғ ва токзорлар мўл ҳосил етиштирган илғор боғбонларга қиймматбаҳо буюм мукофотлари берилди.

Суратда: Ризамат ота Мусамуҳамедов кенгаш қатнашчиларига ўз тажрибаларини сўзлаб бермоқда.

В. Салов фотолари.

Бўка районн марказида сотувчисиз ишлайдиган янги китоб магазини очилди. Суратда: харидорлар магазиндан китобларни танлаб олмоқдалар.

В. Салов фотоси.

Етти йиллик янгиликлари

АВТОМАТ ЧИГИТ ЭКИШНИ КОНТРОЛЬ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиқ фанлари академиясининг қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш институти ходимлари янги асбоб яратдилар. Бу асбоб ёрдамида чигитни квадратуялаб экадиган сеялканинг иши контроль қилиб борилади. Конструкцияси жиҳатидан унчалик мураккаб бўлмаган бу мослама чигитнинг ерга бехато тушишини кузатиб боради. Агарда бункер ёки чигит ўтказгичга чигит тиқилиб қолса, автомат воситаси билан чироқлар ёниб сигнал берилади. Автоматик контролни қўлланиш экиш экипажининг узлуксиз ишлашини таъминлайди. Тошкент Халқ хўжалиги кенгаши қўкламгача сеялкалар учун 20 комплект ана шундай асбоб ишлаб чиқаради.

КОЛЛЕКТИВНИНГ КАШФИЁТИ

Холодильник установкаси сабзавот, мева ва бошқа озиқ-овқатларни узоқ вақт сақлаши мумкинлигини Самарқанд кооператив савдоси институти олимлари илмий асосда исботладилар. Озиқ-овқат маҳсулотлари товаршунослик кафедрасининг коллективи томонидан техника фанлари кандидати З. В. Коробкина раҳбарлигида қизиқ тажрибалар ўтказилди. Бир неча тонна узумга метабисульфит кальций доривори сепилди. Бу узумлар Тошкентдан Москвагача темир йўл орқали узоқ масофани босиб борганида ҳам тами ва сифатини йўқотмаган, сўлимаган ҳам, худди токдан янги узиб олингандек тураверган.

Сутдан тайёрланган пишлоқларни ҳам ультрабинафша нурлар билан нурлантириш хўжалиқ жиҳатидан катта аҳамиятга эгадир. Самарқанд сут комбинатининг омборида бу йил пишлоқларни нурлантириш учун установка ўрнатилади. Шунингдек матлубот кооперациясининг тайёрлаш пунктларида ҳамда колхоз ва совхозларнинг омборларида узум ва сабзавот маҳсулотларини янги дориворлар билан ишлаш кенг жорий этилади.

Тошкентдаги 139-болалар боқчасининг хизматчиси Ҳабиба Матҳолиқова ўз қўл остидаги болаларни меҳр билан тарбияламоқда. Суратга қаранг-а, Ҳабиба кичкинтойлар ширин уйқуда ором олаётган вақтда ҳам тинчиб ўтирмай улардан хабар олгани кирди.

А. Абалян фотоси.

ОҒИРИМИЗ ЕНГИЛ БЎЛДИ

Чирчиқ шаҳридаги Ўзбекистон қийин эрувчи ва ўтга чидамли металлар комбинатининг буғ-қозон цехида илгари кўмирни транспортерга узатиш қўлда бажарилар эди. Бу иш билан ҳар сменада 5—6 ишчи банд бўларди.

Яқинда ана шу иш механизациялаштирилди. Цех ёнидаги кўмир омбори ёнига бульдозер ва кўмирни транспортёрга ташлаб турадиган махсус агрегат келтирилди. Бульдозер кўмирни эстакадага яқинроқ ерга суриб, тўплаб беради, автопогрузчик эса уни осонгина кўтариб, транспортерга ташлаб туради.

Аваллари кўмирнинг ўз вақтида етказиб берилмаслиги сабабли, кўпинча иш тўхтаб қолар эди. Эндиликда буғ-қозон цехига кўмир етказиб берувчи ишчилар сони икки баравар камайган бўлишига қарамай, ҳеч қандай узилиш рўй бермаётир.

Механизация афзалликларини ўз фаолиятида кўриб турган корхона коллективи бошқа кўп қўл меҳнати талаб қиладиган ишларни ҳам машиналар зиммасига юклаш учун курашмоқда.

Т. УРУНОВ.

Чет элларда

Тинчлик—замонамизнинг асосий масаласи

Совет ҳукумати бошлиғи Никита Сергеевич Хрушчевнинг Индонезия парламенти депутатлари олдида сўзлаган нутқи тўғрисида чет элларда баён қилинган фикрлар ҳақида биринчи хабарлар олинди.

ИНДОНЕЗИЯ

Н. С. Хрушчевнинг нутқи парламент депутатларида, Индонезиянинг бутун жамоатчилигида кучли таассурот қолдирди. Парламент ташқи ишлар комиссиясининг раиси Супени Ноним «Бинтанг темур» газетаси мухбирига Н. С. Хрушчев нутқининг мазмуни Индонезия сиёсатининг руҳига муносибдир, деди. Мухбирнинг ёзишича, парламентнинг бошқа депутатлари ҳам худди шундай фикрни айтганлар. Индонезия газеталари ўз сарлавҳаларида Н. С. Хрушчевнинг империализм ҳалокати муқаррардир, турли мамлакатлар давлат арбобларининг шахсий учрашувлари жуда муҳим аҳамиятга эгадир, деган гапларини алоҳида таъкидлайдилар. Газеталар Н. С. Хрушчев нутқининг совет халқи индонез халқининг ғарбий Ириани Голландиянинг мустамлакачилик зулмидан озод қилиш йўлидаги курашини қўллаб-қувватлайди, Совет Иттифоқи Осиё ва Африкадаги ёш давлатларга ҳеч қандай сиёсий шартлар қўймай иқтисодий ёрдам кўрсатишни давом эттиришга тайёрдир, деган қисмини алоҳида уқтириб ўтадилар.

ПОЛЬША

Польша газеталари Н. С. Хрушчев нутқининг кўп қисмини катта сарлавҳалар остида босиб чиқармоқдалар. Газеталар Совет Иттифоқи оғир шароитда сабот ва матонат билан олиб борилган курашда сиёсий мустақилликка эришган Осиё ва Африка мамлакатларининг гоят кўпчилиги билан самимий дўстона муносабатлар ўрнатди, деб таъкидлайдилар. «Трибуна люду» газетаси Н. С. Хрушчев нутқининг социалистик мамлакатларнинг Осиё ва Африка мамлакатлари билан дўстлиги ана шу мамлакатларда яшовчи халқларнинг туб ҳаётий масалалар юзасидан ният ва манфаатларнинг бирлигига асосланганлиги ҳақида гапирилган қисмини алоҳида кўрсатиб ўтади.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ

Чехословакия газеталари Н. С. Хрушчев нутқининг тўла текстини ёки батафсил баёнини босиб чиқармоқдалар. «Руде право» газетаси бу нутқни: «Халқлар шармандали мустамлакачилик зулмини абадий улоқтириб ташлайдиган кун яқин қолди» деган сарлавҳа остида босиб чиқарди. «Оброна лиду» газетаси Н. С. Хрушчев нутқининг совет байроқларига улуғ Ленининнинг: «Халқларга тинчлик» деган сўзлари ёзилганлиги таъкидланган қисмини сарлавҳа ўрнида берган. «Свободне слово» газетаси ўз сарлавҳасида: «Сўздан амалий ишга ўтиш вақти келди» деб ёзади. Газеталар Н. С. Хрушчев нутқининг тўла текстини ёки баёнини эълон қилиб, бу нутқнинг ҳозирги замонинг асосий масаласи, яъни мустаҳкам тинчликни таъминлаш масаласини ҳал этишнинг асосий шарти бўлган қуролсизланишни амалга ошириш зарур эканлиги тўғрисида гапирилган қисмини якдиллик билан маъқулламоқдалар.

(ТАСС).

ҚИШКИ ОЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИ ЕПИЛДИ

СКВО ВЭЛЛИ, 29 февраль. (ТАСС). VIII олимпиада финал хоккей турнирининг сўнгги матчи ўйнали. Бу матч қишки олимпия ўйинларининг иккинчи ва учинчи мукофотчиларини аниқлади. СССР ва Канада командалари учрашдилар. Ўйин кескин кураш вазиятида ўтиб, дам у, дам бу команда дарвозалари олдида жиддий ҳолатлар юз бериб турди. Канада спортчилари 8:5 ҳисоби билан галаба қозондилар .Бу ҳол уларга олимпия кумуш медалини олиш ҳуқуқини берди. Ўтган олимпия ўйинларининг чемпионлари — совет хоккейчилари бронза медали олдилар.

СКВО ВЭЛЛИ ,29 февраль. (ТАСС). 28 февраль соат 16 дан 40 минут ўтганда (Москва вақти билан 29 февраль соат 3 дан 40 минут ўтганда) 11 кун давомида «Миллатлар минораси» олдида ёниб турган олимпия машъали сўндирилди. Халқаро олимпия комитетининг президенти Э. Брэндж VIII қишки олимпия ўйинларини ёпди.

ТЕЛЕГРАФ ХАБАР ҚИЛАДИ

* 29 февралда Қоҳирада Осиё ва Африка мамлакатларининг иккинчи кинофестивали бошланади. Бу кинофестивалда қатнашиш учун совет кино ходимлари делегацияси Қоҳирага келди. Ўзбекистон ССР маданият министри Собир Муҳамедов делегацияга бошчилик қилади.

* Руминия Халқ Республикасининг Бухарест, Констанца ва Тимишоара областларида баҳорги кўчат ўтқазиш ишлари бошланди. Бу йил республикада кўчат ўтқазиладиган майдон яна 75 минг гектар кенгайтирилади. Бундан ташқари, деҳқонлар унумли бўлмаган ер участкаларида 10 минг гектар ерга кўчат ва дарахт ўтқазадилар.

* Америкада ишлаб чиқарилган «ҳаво-ҳаво» типидаги «Сайдуиндер» снарядларининг биринчи партияси Австралиянинг Малайядаги базасига келтирилди. Австралия авиацияси министри Осборннинг айтишича, ҳозирги вақтда Австралия самолётларининг бир қисми ана шу снарядларни ташиб юришга мослаштирилган.

* Матбуот хабарларига қараганда, Американинг Байрутдаги элчихонаси 6- Америка флотига қарашли 9 ҳарбий кемининг «дўстлик визити» билан Байрут портига келишига ҳали ҳам рухсат берилмаганлиги тўғрисида «ажабланганлиги»ни Ливан ташқи ишлар министрлигига маълум қилган. Ҳозирги вақтда Американинг «Путнам» эсминеци Байрут портида турибди. Бу эсминиц 26 февралга ўтар кечаси Байрут портига келган эди. (ТАСС).

ХРОНИКА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўзининг шу йил 29 февралдаги Фармонига мувофиқ, ўртоқ **М. В. Муҳаммаджоновни** Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари вазифасидан озод қилди.

Редактор: З. ЕСЕНБОЕВ.

ДИПЛОМ СПЕКТАКЛЛАРИ

«Бир тўй можароси» спектакли Островский номидаги Тошкент театр ва рассомлик институти актёрлик факультетининг ўзбек бўлимини битирувчи курс студентларининг диплом иши ҳисобланади. Баҳром Раҳмонов билан Исҳоқ Ўктамовларнинг ҳамкорлигида ёзилган бу комедияни Ўзбекистон ССР халқ артисти Наби Раҳимов саҳналаштирган.

Комедия қаҳрамонларининг характери ҳам ёрқин ифодаланган. А. Қувноқов (Ўсар), Ҳ. Акбарова (Тўпинисо), Х. Аҳматалиева (Ҳидоятхон), Қ. Офаринов (Азиз) ва бошқа дипломантлар ўз ролларини жонли талқин эта билганлар. Ўз ролларини таъсирли бажарган дипломантларга спектакль тугагач, қимматбаҳо мукофотлар берилди.

Туркман бўлимининг дипломантлари эса «Иккинчи даражали обоз» спектаклини кўрсатдилар.

Спектакллар кўрик қатнашчиларига гоят манзур бўлди.

У. ДАСТОНОВ,
Н. ШОМУРОДОВ,
Я. ХУЖАЕВ,

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

КИНОТЕАТРЛАР ИШИ ЯНАДА ЯХШИЛАНАДИ

Республикамиз пойтахтида кинотеатрлар тармоғи кенг тарқалган. Уларда аҳолига маданий хизмат кўрсатишнинг турли формаларидан фойдаланилаётир. Янги бадиий ва илмий-оммабоп фильмларни ҳар ойда қарийб 100 минга яқин киши коллектив бўлиб кўради. 1959 йилда шаҳар кинотеатрларида тамошабинларнинг киноартистлар ва режиссёрлар, ишлаб чиқаришнинг донгдор новаторлари ва олимлар билан 150 марта учрашув кечалари ўтказилди. 80 тадан кўпроқ фестиваль, тематик кеча ва кино байрамлари ташкил қилинди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети яқинда пойтахтдаги кинотеатрлар фаолиятини янада яхшилаш масаласини муҳокама қилди. Тамошабинлар билан кинотеатрлар алоқасини кучайтириш, янги фильмларни муҳокама қилишга бағишланган конференцияларни тез-тез ўтказиб туриш, меҳнаткашларнинг маданият ва санъат арбоблари билан учрашувларини уюштириб туришга бундан буён ҳам жиддий эътибор берилади. Кинофильмларни аҳоли ўртасида кенгроқ оммалаштириш мақсадида билетларни олдиндан сотиш жорий этилади. Корхоналарда, турли муассасалар ва ўқув юртларида актив кино ташкилотчилар сонини анча кўпайтиришга қарор қилинди.

Пойтахтдаги кинотеатрлар сони аҳоли талабларига қараб кўпайтирилади. Чилонзор массиви, Собир Раҳимов, Ново-Московская, Немирович-Данченко кўчаларида қад кўтараётган кинотеатрлар 1 Май байрами кунларигача битказилиб, тамошабинларга маданий хизмат кўрсата бошлайди.

Қишлоқ мухбирлари хабар қиладилар

ЯНГИ ПОСЕЛКА ҚАД КЎТАРДИ

Чиноз районидаги Ленин номли колхоз территорияси яқиндагина кўримсиз жой эди. Қисқа вақт ичида бу ерда катта ўзгаришлар рўй берди: янги, обод поселка барпо қилинди. Колхоз правлениеси кейинги йилларда поселкадаги қурилишлар учун 1 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфлади. 100 дан ортиқ колхозчи оиласи янги уйга кўчиб кирди, янги клуб биноси битиш арафасида турибди. Шунингдек гараж ва омбор бинолари қурилмоқда. Бу йил 300 колхозчи хонадони Ильич нури билан ёритилди.

Т. Имомов.

ВРАЧ-ПРОПАГАНДИСТ

Сирдарё район Верхне-волинск қишлоғидаги медицина ходимлари аҳолига яхши хизмат кўрсатиш билан бирга медицина пропагандасига ҳам жиддий эътибор бермоқдалар. Натижада турли касалликларнинг олди олиниб, кишилар ўртасида касаллик тобора камаймоқда. Бунда врач С. Аҳмедовнинг айниқса хизмати каттадир. У қишлоқ меҳнаткашлари ўртасида тез-тез соғлиқни сақлаш темаларида қизиқарли лекция ва суҳбат ўтказиб туради, турли юқумли касалликларнинг олдини олиш тадбирларини ўргатади. Бундан ташқари колхоз радиоузелларн орқали унинг фойдали суҳбатлари эшиттириб турилади.

Т. Солиев.

СОВХОЗ БОҒИ КЕНГАЙМОҚДА

Юқори Чирчиқ районидаги 12-боғдорчилик совхози коллективи Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Республика Министрлар Советининг «Ўзбекистон ССРда боғдорчилик ва узумчиликни янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарорига амалий иш билан жавоб бермоқдалар. Совхозда 300 гектардан ортиқ ердаги олмазорга янгидан 3500 туп олма ва гилос кўчатлари ўтқазилди. Шунингдек 100 минг туп терак кўчати экилди. 47 гектар майдондаги узумзор учун сўрилар ясалмоқда.

А. Нуртоев.

РАЙОНДА КИНОЛЕКТОРИЙ

Сиёсий-илмий билимлар тарқатувчи жамиятнинг Гулистон район бўлими томонидан ёшлар учун кино-лекторий ташкил қилинди. Лекторий машғулотлари ҳафтада бир марта мунтазам ўтказиб турилибди. Машғулотларда ёшлар учун савол-жавоб кечалари, турли темаларда лекция ва суҳбатлар уюштирилади, ҳужжатли, бадиий ва техника фильмлари кўрсатилади. Яқинда бўлган савол-жавоб кечаси жуда қизиқарли ўтди. Кеча қатнашчилари ўзларини қизиқтирган кўпгина саволларга жавоб олдилар.

Б. Сонбназаров.

Халқ дружиначилари конференцияси

Яқинда Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлигининг партия комитети «На посту» газета редакцияси билан бирга кўнгилли халқ дружиначилари ва милиция ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга бағишланган конференция ўтказди. Конференцияга милиция ходимлари, жамоат тартибини сақлашда актив қатнашаётган кўнгилли халқ дружиначиларининг аъзолари қатнашдилар.

Республика милиция бошқармаси бошлиғи ўртоқ А. С. Слонецкий милиция билан жамоатчилик ўртасидаги алоқанинг формалари ва социалистик яшаш қоидаларимизни бузувчиларга қарши ҳамкорликда кураш тўғрисида доклад қилди. Тошкент Корборунд заводи дружиначиларининг командири Каюшкин, Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтини актив дружиначиларидан Симонова, Янгийўл шаҳар милиция бўлимининг бошлиғи Убайдуллаев ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқиб, ўз тажрибалари тўғрисида батафсил сўзлаб бердилар.

Тошкентда биринчи марта ўтказилган бу конференция халқ дружиначилари фаолиятини бундан буён янада яхшилаш тадбирларини белгилади.

Темир йўл ёқасида дарахтзорлар

Тошкент магистралининг темир йўлчилари темир йўл ёқасига дарахт кўчатлари ўтказишга ва бутазорлар барпо этишга киришдилар. Ҳозир д[illegible] қарагай, қайрағоч, саксовул кўчатлари, хушманзара буталар билан бир қаторда жуда кўп мевали дарахтлар ҳам ўтқазилмоқда. Ҳозирданоқ юз километрдан кўпроқ темир йўл бўйларида дарахтзорлар барпо этилди. Кўклам ичида дарахтзор майдонлари бир ярим баравар кенгайтирилади. (ЎзТАГ).

ДАРАХТ ЎТҚАЗИШ ОЙЛИГИ

ЎҚУВЧИЛАР ҲИССАСИ

Тошкентдаги 38-ўрта мактабнинг ҳовлиси кенг ва баҳаво. Ўқувчилар бу ҳовлини обод ва кўркам қилиш учун ҳафсала билан ишлаганлар. Ёш мичуринчилар барпо қилган боғда 800 туп турли мевали дарахтлар мавж уриб ўсиб турибди. Илк баҳор иссиғида гилос, шафтоли, олича каби эртаги мева дарахтлари уйғона бошлади. Ҳа демай, уларнинг новдалари шамолоқдек гул маржонлари билан қопланади.

Ўқувчилар ҳозир ҳамма ерда давом этаётган «кўчат ўтқазиш ойлиги»да актив иштирок этиш мақсадида мактаб ҳовлисига 150 туп гол, 300 туп терак, 150 туп гол қаламчалари, 300 туп олича, 15 туп шафтоли, 30 туп ток кўчатлари экишга қарор қилдилар. Шу кунларда мактабга борган киши қизғин иш устидан чиқади. 5, 6, 7-синф ўқувчилари биология ўқитувчиси Шамсиддин Хўжаев раҳбарлигида дарахт кўчатларини агротехника қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда ўтказмоқдалар. Ўқувчилардан М. Зокиров, С. Мамажонова, Н. Мўлажонов, Н. Максудова, М. Маҳмудова, Р. Ғофурова кабилар «дарахт ўтқазиш ойлиги»да актив қатнашиб, бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

Мактаб ҳовлисини чиройли қилиш учун ўқувчилар 150 туп гулсавсар ва атиргул кўчатлари экиб меҳр билан парвариш қиляптилар.

— Ўқувчиларимиз ўз боғларини жуда севишади, — дейди биология ўқитувчиси Ш. Хўжаев.— Ана шу ёш мичуринчиларнинг ғайрат ва ташаббуси билан мактабимиз ҳовлиси йилдан-йилга обод бўлмоқда. Мактаб боғида турли ишлар билан шуғулланиш ўқувчиларнинг табиёт фанидан дарсда олган билимларини ҳам мустаҳкамламоқда.

О. САЙДАМИНОВ.

Суратларда: 1. 5-синф ўқувчилари биология ўқитувчиси Шамсиддин Хўжаев раҳбарлигида мактаб боғига дарахт кўчатларн ўтқазмоқдалар. 2. Тошкент шаҳар питомнигининг агрономи Халил Ражабов ва ишчи Х. Саъдуллаев ўртоқлар жойларга юборилдиган кўчатларни кўздан кечирмоқдалар.

В. Салов ва А. Тўраев фотолари.

Телевизор экранида

1 МАРТДА

19.30. Халқаро масалалар бўйича рус тилида обзор.

19.50. В. И. Ленин туғилган кунининг 90 йиллиги олдидан. Рус тилида «В. И. Ленин ҳақида хотиралар» деган ҳужжатли фильм.

20.30. «Рус театрининг машҳур артистлари» циклидан В. Ф. Комиссаржевская ижодига бағишланган эшиттириш (рус тилида).

20.50. Сўнгги ахборот.

21.10. Бадиий фильм — «Бой ила хизматчи» (ўзбек тилида).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 2/III да **Дилором.** СССР халқ артисти **Саодат Қобилова** ва Ўзбекистон ССР халқ артисти **Саттор Ярашев** қатнашади.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА— 1/III да **Оқпадар,** 2/III да **Холисхон.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Тошкентда биринчи марта **Нина ва Александр Капитановлар** раҳбарлигида **«Чангалзордаги ҳодиса»** номли аттракцион ва янги программада тамошалар. Кеч соат 8 да бошланади.

КИНО

Ҳўрланганлар (кенг экранли фильм, 1- серия) — «ВАТАН» (кундуз ва кечқурун).

Герольштейндаги саргузашт — НАВОИЙ номли, «СПУТНИК» (1-залда кундуз ва кечқурун).

Сўнгги қайтиш — «ИСКРА» «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Цхнетилик Майя — НАВОИЙ номли (кундуз соат 3-20 минут ва кеч 6-50 минутда).

Сени излайман — «ИСКРА» (кеч соат 10-25 минут), «СПУТНИК» (2-залда кундуз ва кечқурун).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

1 мартда

Ўзбек давлат филармонияси **ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ ОРКЕСТРИНИНГ КОНЦЕРТИ**

Дирижёр — оркестрнинг бадиий раҳбари ва бош дирижёр **Саид Алиев.**

2 ва 3 мартда

ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТ УСТАЛАРИ

концерти

Концертда СССР халқ артисти **Ҳалима Носирова,** Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Шаҳодат Раҳимова,** Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Меҳри Абдуллаева, Дилором Шерова, Кундуз Миркаримова, Эргаш Шукруллаев, Карим Алиев,** Жаҳон ёшлар фестивали лауреатлари **Клара Жалилова, Фозил Харротов, Акбар Мўминов,** филармония солистлари **Тухта Йўлдошева, Ғафур Иноғомов, Қулаҳмад Қулабдуллаев, Симхо Аминовлар** қатнашади.

Концерт кеч соат 8 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

1 мартдан бошлаб

халқ истеъмоли товарларининг чакана нархлари қуйидагича камайди

(ўртача, процент ҳисобида)

Ишлаб чиқарилаётган фотоаппаратлар — 12.

Ишлаб чиқарилмаётган **фотоаппаратлар** — 30.

Фотообъективлар — 8.

Электр тикув машиналари, электродвигателлар ва уларнинг қўл приводлари — 20.

«Октябрь», «Белорусь-57», «Рига-10», «Белорус-53», «Нева», «Звезда-54», «Турист», «Дорожний» радиоприёмниклари — 25.

Қора ва кўк тулки мўйналаридан тайёрланган буюмлар — 20.

Табиий шойилар, сунъий шойи (айрим турлари) ва сунъий шойи қўшиб тўқилган табиий шойилар — 15.

Дераза тўри — 23.

«Вятка-150» мотороллерлари — 18.

«ИЖ-49», «ИЖ-54», «ИЖ-54 У», «ИЖ-54 М», «ИЖ-54-Ш-1», «ИЖ-54-Ш-2», «ИЖ-55», «ИЖ-55-1», «ИЖ-56», «ИЖ-57», «ИЖ-58», «МЦ-9» маркали **ов милтиқлари** — 25.

Қуюлтирилган сут ва қандли какао ва кофе консервалари — 30.

Гармониялар — 20.

Авторучкалар ва автоқаламлар — 20.

Хавфсиз устара лезвиялари — 30.

Аёторлик, металл, кўн ва пластмасса буюмлари — 5.

Қатлам мармелад ва мева мармелади — 18.

Қуруқ желе — 50.

Шойидан тикилган **кийимкечак, атторлик моллари ва бошқа буюмлар** — 15

Дераза тўридан тайёрланган донали буюмлар — 23.

. 01603. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. А-1542.